

Аллоҳнинг меҳрибонлигини қаранг!



11:00 / 26.01.2023 2860

Тиббиёт факультетида ўқийдиган талаба ўртоқлари билан факультет биноси олдида турган эди. Шу пайт бир машина катта тезликда келиб, уни уриб кетди. Талабани дарҳол университет шифохонасига олиб боришди. Шифокорлар йигитга унинг бир буйраги ишдан чиқиб, қон кетаётганини, ўша буйракни дарҳол олиб ташлаш лозимлигини, акс ҳолда, бу ҳолат ўлимга сабаб бўлишини, шунинг учун буйракни олиш ёки олмаслик масаласида тезроқ бир қарор қабул қилиш кераклигини айтишди.

Йигит буйракни олдиришга қарор қилди. Орадан бир неча кун ўтгач, хонасида маюс кайфиятда ўтирган йигитнинг олдида унинг буйрагини олган жарроҳ табассум қилган ҳолда кирди ва йигитдан: «Қазои ва қадар ҳақида эшитганмисан?» деб сўради.

Талаба: «Ҳа, доктор. Лекин мен шу фалокат сабаб кўп нарса йўқотдим» деди.

Шифокор: «Мен ҳам қазои ва қадар ҳақида эшитганман. Аммо сен билан боғлиқ бир воқеани кўриб, унга янада ишончим комил бўлди. Биз сенинг буйрагингни олиб ташлаганимизда ўша буйрагингда ноёб тўқимани борлигини сездик ва уни мутахассисга таҳлил учун юбордик. Таҳлилдан шу нарса маълум бўлдики, ўша ноёб тўқима саратоннинг ривожланиш йўлида хужайраларнинг ўзгариши бошланаётганининг белгиси экан. Саратоннинг бу турдагисини аввалги босқичларида аниқлашнинг имкони йўқ бўлиб, фақатгина охирги босқичдагина билиш мумкин. Бунда эса, унинг ниҳояси фақат ўлим бўлади», деди.

Бу гапни эшитган бемор йигит шифокордан: «Эй доктор, ўша машина мени танлаб, мен яна ҳаётни давом эттиришим учун айнан саратон бошланаётган жойимни мўлжалга олган демоқчимисиз?» деб сўради.

Шифокор: «Албатта, шундай. Ўзинг буни тасодиф деб ўйлайсанми?» дея унга савол билан юзланди.

Талаба ҳайрат ва севинч табассуми билан: «Йўқ, таъкид билан айтаманки, бу буюк Аллоҳ таолонинг қазои қадаридир. Алҳамдулиллаҳ!» деди.

Солиҳлардан бирлари шундай деган экан: «Агар банда Аллоҳ таоло унинг ишларини қандай тадбир қилаётганини билганида эди, албатта, яратган меҳрибон Зот унга онасидан ҳам, отасидан ҳам кўра меҳрибонроқ эканини билган ва Аллоҳ таолога муҳаббат сабабидан қалби эриб кетган бўларди».

Нозимжон Ҳошимжон